

Ҳужжатлар тўплами

Сборник документов



**АХБОРОТ-КУТУБХОНА
ВА АХБОРОТ-РЕСУРС
МАРКАЗЛАРИ ИШИНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

**ОРГАНИЗАЦИЯ РАБОТЫ
ИНФОРМАЦИОННО-
БИБЛИОТЕЧНЫХ
И ИНФОРМАЦИОННО-
РЕСУРСНЫХ
ЦЕНТРОВ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ**

**АХБОРОТ-КУТУБХОНА ВА АХБОРОТ-РЕСУРС
МАРКАЗЛАРИ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

(ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ)

**ОРГАНИЗАЦИЯ РАБОТЫ ИНФОРМАЦИОННО-
БИБЛИОТЕЧНЫХ И ИНФОРМАЦИОННО-
РЕСУРСНЫХ ЦЕНТРОВ**

(СБОРНИК ДОКУМЕНТОВ)

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент - 2007

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчилар: Т.Егорова, О.Қиличбоев

Муҳаррирлар: И.Маминава, Ҳ.Маматраимова

Масъул муҳаррир: А.Умаров

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ишини ташкил қилиш = Организация работы информационно-библиотечных и информационно-ресурсных центров: Хужжатлар тўплами / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчилар: Т.Егорова, О.Қиличбоев; Муҳаррирлар: И.Маминава, Ҳ.Маматраимова, Масъул муҳаррир А.Умаров.- Тўлдирилган ва қайта ишланган нашри.- Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007.-172б.

КБК 78.34 (5 Ў)

Ушбу тўпلامда "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, "Ахборотлаштириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, "Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармогини ташкил этиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятини белгилаб берувчи меъсрий хужжатлар ҳамда ахборот, кутубхоначилик ва ноширлик иши стандартлари (СИБИД) ўзбек ва рус тилларида жамланди.

Тўпلام ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ходимлари, кутубхоначилар ҳамда маданий-маърифий ва ахборот хизмати кўрсатувчиларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-06-053-1

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 й.

Асосий қонундан сатрлар

"Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси

"Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси

"Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддаси

Строки из основного закона

"Каждый имеет право на свободу мысли, слова и убеждений. Каждый имеет право искать, получать и распространять любую информацию, за исключением направленной против существующего конституционного строя и других ограничений, предусмотренных законом".

Статья 29 Конституции Республики Узбекистан

"Каждому гарантируется свобода научного и технического творчества, право на пользование достижениями культуры.

Государство заботится о культурном, научном и техническом развитии общества".

Статья 42 Конституции Республики Узбекистан

"Граждане обязаны оберегать историческое, духовное и культурное наследие народа Узбекистана.

Памятники культуры охраняются государством".

Статья 49 Конституции Республики Узбекистан

Сўз боши

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларданоқ эркин демократик давлат барпо этиш, халқнинг маънавий бой ва муносиб ҳаётини таъминлашдек эзгу мақсадни амалга оширишга киришди. Биз танлаган ривожланиш йўли жаҳон тажрибаларини, шунингдек, асрларга тенгдош миллий анъаналар, урф-одатларни, анъанавий турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олиб, давлат ва жамиятни янгилаш ҳамда тараққий эттиришга йўналтирилган.

Мустақилликнинг 15 йили мобайнида мамлакатда ижтимоий, маданий ва халқаро ҳаётнинг деярли барча томонларига тааллуқли ижобий ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши бобида фаол ва самарали қаламлар қўйилдики, бу кўп жиҳатдан мамлакат фуқароларига ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятларини яратиш даражаси билан боғлиқдир.

Ахборот ва коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланаётган асрда ахборот сиёсати маданий сиёсатнинг бир бўлаги ҳисобланади. Аҳолининг ахборот-кутубхона ресурсларидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш, давлатимизнинг жаҳон ахборот оқими билан тўлақонли ҳамкорлиги ўтган асрнинг 80-йиллар охири 90-йилларнинг бошларида ахборот ва телекоммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари республика даражасида ҳал қилина бошланган даврдан ривожлана борди. Бу жараёнга нафақат илмий техника ахбороти институтлари, балки республиканинг глобал ахборот тизимига киришининг долзарблигини тушуниб етган кутубхоналар, олий таълим муассасалари ҳам киришдилар. Бунинг натижаси қабул қилинган қуйидаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар бўлди: "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги (1993), "Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаси учун дастурларни ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисида"ги (1994) қонунлар ва "Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш концепцияси" (1994). Кейинроқ миллий ахборотлаштириш тизимини шакллантириш, ахборотдан фойдаланиш бўйича ўсиб бораётган талабларни қондириш мақсадида қуйидаги қонун ва ҳужжатлар ишлаб чиқилиб қабул қилинди: "Электрон тижорат тўғрисида" (2003), "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" (2003), "Электрон рақамли ёзувлар тўғрисида"ги (2004) қонунлар, "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини

жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (2002).

Бутун ахборот имкониятлари асосан кутубхоналарда йиғилган бўлиб, фойдаланувчилар шу ерда кутубхонада йиғилган ёки узоқдаги ахборотдан фойдаланиши мумкин. Ахборот ва интернет технологияларининг ривожланиши, кутубхоналарга ўз ресурсларини тартибга келтириш, электрон маълумотлар базасини яратиш, ахборот ресурсларини кооперациялаш, уларга эркин кириб, фойдаланишни таъминлаш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори кутубхоначилик ишида ахборот ва телекоммуникация технологиясини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган. Қарор, бундан ташқари, аҳолини ахборот кутубхона билан таъминлашни такомиллаштириш, энг муҳими кутубхоначилик ишини ривожлантириш учун зарур бўлган республика кутубхоначилик тизимини тубдан ислоҳ қилишга асос бўлди. Қарорда ўрганиб кетилган кутубхоначилик бирлашмалари (МКТ) ва оммавий кутубхоналар — шохобчаларсиз ахборот кутубхона тизимларига мутлақо янги нуқтаи назардан қарашлар белгилаб олинди. Қарорда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги кутубхоналар тармоғини янгидан тузиш, уларни Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфига ўтказиш, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда янги ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш, аҳолини ахборот билан таъминлаш учун зарур шароитларни яратиш кўзда тутилади.

Республика кутубхоначилик соҳасини ислоҳ қилиш ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ахборот-кутубхона ишининг асосий методлари ва шакллари қайта кўриб чиқиш, анъанавий иш шаклларида ахборотлаштиришни ҳисобга олган янги, ўта такомиллашган ва самарали методларни жорий этиш ва фойдаланишга ўтиш заруратини келтириб чиқарди.

Ушбу тўпламга асосан ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятини белгилаб берувчи ҳужжатлар киритилди.

Тўлдирилган ушбу тўпламнинг мақсади — кутубхона ходимиغا кутубхоначилик-ахборот ишига бевосита ёки билвосита тегишли бўлган қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан хабардор бўлиш, уларни тушуниб олишга ёрдам беришдан иборат.

Ушбу ҳужжатлар тўплами кутубхоначилик-ахборот фаолиятини олиб боришда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини, ахборот-кутубхоначилик ва библиографик хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашда, ахборот-кутубхоначилик фондларини ташкил этиш, сақлаш ва фойдаланишни йўлга қўйишда келиб чиқадиган фуқоралар ва муассасалар муносабатини бошқаришда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг имкониятларини ёритиб беради.

Кейинчалик муаллифлик ҳуқуқи, ахборотлаштириш бўйича қонуний ва ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот-кутубхоначилик таъминоти соҳасида халқора ҳуқуқ бўйича ҳужжатларни ўз ичига олувчи материаллар тўпламини кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Предисловие

С первых дней обретения независимости Узбекистан приступил к построению свободного демократического государства, обеспечению достойной и духовно насыщенной жизни народа. Избранный путь развития основан на учете мирового опыта, а также вековых национальных традиций, обычаев, традиционного уклада жизни и направлен на обновление и прогресс общества и государства. За 15 лет независимости в стране произошли позитивные изменения, которые затронули практически все стороны общественной, культурной и международной жизни. Предприняты активные и результативные шаги по вхождению страны в мировое сообщество, успешная реализация которого во многом зависит от уровня обеспечения свободного доступа к информации всех граждан Республики Узбекистан.

В век бурного развития информационных и коммуникационных технологий информационная политика рассматривается как часть культурной политики. Обеспечение всеобщего доступа населения к информационно-библиотечным ресурсам, полноценное взаимодействие нашей страны с мировым информационным потоком получило развитие в конце 80-х начале 90-х годов прошлого века, когда на государственном уровне стали решаться задачи широкого внедрения информационных и телекоммуникационных технологий. В данный процесс включились не только институты научно-технической информации, но и библиотеки, вузы, которые осознали актуальность вхождения республики в глобальную информационную систему. Результатом осмысления явились принятые законодательные и нормативные акты: законы "Об информатизации" (1993, 2003), "О правовой охране программ для электронных вычислительных машин и баз данных" (1994) и "Концепция информатизации Республики Узбекистан" (1994). Позже, в целях формирования национальной системы информатизации, удовлетворения растущих потребностей в доступе к информации, были разработаны и приняты следующие документы: законы "Об электронной коммерции" (2003), "Об электронном документообороте" (2003), "Об электронной цифровой подписи" (2004), Указ Президента Республики Узбекистан "О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий" (2002) и Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан "О

мерах по дальнейшему развитию компьютеризации и внедрению информационно-коммуникационных технологий" (2002).

В основном весь информационный потенциал собран в библиотеках и только в них пользователь может воспользоваться информацией как собранной в библиотеке, так и удаленной. Развитие информационных и Интернет технологий дали возможность библиотекам систематизировать свои ресурсы, создавать электронные базы данных, кооперировать информационные ресурсы, предоставлять к ним свободный доступ.

На развитие и совершенствование информационных и телекоммуникационных технологий в библиотечном деле направлено Постановление Президента Республики Узбекистан "Об организации информационно-библиотечного обеспечения населения республики" от 20 июня 2006 года. Постановление также направлено на совершенствование информационно-библиотечного обеспечения населения, но, что особенно важно для развития библиотечного дела - принято решение по кардинальному реформированию библиотечной системы республики. В Постановлении определены принципиально новые позиции и видение уже не библиотечной, а информационно-библиотечной системы, без привычных библиотечных объединений (ЦБС) и публичных библиотек - филиалов. Реорганизация библиотечной сети, подведомственной Министерству по делам культуры и спорта, децентрализация массовых библиотек республики предусматривает создание новых информационно-библиотечных и информационно-ресурсных центров, которые будут находиться в ведении Министерства высшего и среднего специального образования, Министерства народного образования, Центра среднего специального и профессионального образования, Узбекского агентства связи и информатизации, а также создание необходимых условий для более широкого и беспрепятственного информационного обеспечения населения.

Реформирование библиотечной сферы республики вызвало необходимость разработки и принятия нормативно-правовых документов, регламентирующих деятельность информационно-библиотечных и информационно-ресурсных центров, методических рекомендаций по пересмотру основных форм и методов библиотечной деятельности, переходу от традиционных форм работы к внедрению и использованию новых, более совершенных и эффективных методов с учетом информатизации.

В данном сборнике представлены документы, регламентирующие деятельность принципиально новых информационно-библиотечных и информационно-ресурсных центров.

Цель данного дополненного сборника - помочь библиотечному работнику ориентироваться в законах, нормативно-правовых актах, прямо или косвенно касающихся информационно-библиотечного дела.

Настоящий сборник документов раскрывает возможности законодательства Республики Узбекистан в регулировании отношений граждан и учреждений, возникающих при осуществлении информационно-библиотечной деятельности, в определении правовых основ функционирования информационно-библиотечных и информационно-ресурсных центров, информационно-библиотечного и библиографического обслуживания, в регулировании вопросов формирования, сохранения и использования информационно-библиотечных фондов.

В дальнейшем планируется расширение материалов, включающих законодательные и правовые документы по авторскому праву, информатизации, документов по международному праву в области информационно-библиотечного обеспечения.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

№ ПК-381 2006 йил 20 июнь

**Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни
ташқил этиш тўғрисида**

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташқил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган, принципиал янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кутубхоналарини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎМТВ-нинг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот-ресурс марказларини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикасининг Республика кутубхонаси, вилоятлар илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси негизида идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бўйсунувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларини ташқил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш;

миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг қўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий

ўсиши учун имконият яратиб бериш;

янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш; маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Ахборот-кутубхона марказлари зиммасига:

аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш;

китобхонларга анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга ўтишни таъминлаш;

универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш;

йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш;

жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклансин.

4. Қуйидагилар:

ахборот-ресурс тармоғи ва ахборот-кутубхона марказлари схемаси 1-иловага мувофиқ;

ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларини яратиш топшириғи 2-иловага мувофиқ;

республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш:

бир ой муддатда белгиланган тартибда кутубхоналарни, 4-иловага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎМТВнинг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш

агентлиги ихтиёрига бепул ўтказишни ҳамда улар оқилона қайта ташкил этилишини;

икки ой муддатда барча кутубхона фондларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказиш учун эксперт комиссиялари тузилишини;

икки ой муддатда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ишини белгилаб берувчи тегишли норматив ҳужжатлар ишлаб чиқирилишини;

ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари танлов асосида малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари юксак самара билан фаолият кўрсатишини ҳамда аҳолининг барча қатламлари улардан бемалол фойдалана олишларини таъминласин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Амалга оширилган ишларнинг якунлари тўғрисида 2006 йилнинг 1 декабригача Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига маълумот берилсин.

6. Белгилансинки, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2007 йилнинг январидан бошлаб ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида электрон кутубхоналарни ташкил қилган ҳамда илғор ахборот технологияларини татбиқ этган ҳолда ушбу марказларни компьютерлаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига: ахборот-кутубхона марказларини белгиланган тартибда "Ziyo-NET" ахборот тармоғига босқичма-босқич улаш ва уларнинг ресурсларига аҳоли кенг қатламларининг киришини таъминлаш; электрон кутубхоналар тизимини ривожлантириш, кутубхона ахборот ресурсларини тизимлаштириш вазифаси юклансин.

8. 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетида

"ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик" таълим йўналиши бўйича бакалаврият кадрлари ҳамда магистратура тегишли мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Алоқа ва ахборот-лаштириш агентлиги:

бир ой муддатда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга нисбатан қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

электрон дарслиklar ва кутубхоналар, мультимедиа тизимлари ва дастурлари яратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.Каримов

Тошкент шаҳри,
2006 йил 20 июнь

ПОСТАНОВЛЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ ПП-381 20 июня 2006 г.

Об организации информационно-библиотечного обеспечения населения республики

В целях совершенствования организации библиотечной сети с учетом современных требований, создания принципиально новых информационных центров, ориентированных на удовлетворение интеллектуальных потребностей подрастающего поколения, сохранения культурных, духовно-нравственных ценностей, а также создания необходимых условий для более широкого и системного информационного обеспечения населения:

1. Принять предложения Министерства по делам культуры и спорта, Министерства высшего и среднего специального образования, Министерства народного образования Республики Узбекистан, Узбекского агентства связи и информатизации, Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятов областей и г. Ташкента о создании:

информационно-ресурсных центров при высших и средних специальных учебных заведениях и общеобразовательных школах путем передачи библиотек Министерства по делам культуры и спорта в ведение Министерства высшего и среднего специального образования, Центра среднего специального профессионального образования МВССО, Министерства народного образования Республики Узбекистан;

информационно-библиотечных центров Республики Каракалпакстан, областей и г. Ташкента, подведомственных Узбекскому агентству связи и информатизации, на базе Республиканской библиотеки Республики Каракалпакстан, областных научно-универсальных библиотек, а также Ташкентской центральной городской библиотеки.

2. Определить основными задачами информационно-ресурсных центров:

содействие систематическому образованию и самообразованию учащихся учебных заведений и населения с использованием современных информационных технологий;

ведение широкой пропаганды национальных духовно-нравственных ценностей, обеспечение доступа к культурно-

историческому наследию народа, предоставление возможностей для творческого развития духовно богатой и гармонично развитой личности;

осуществление информационного обслуживания населения на основе новых информационных технологий (электронные базы данных, интернет ресурсы);

развитие сотрудничества с образовательными учреждениями, органами местного самоуправления, национальными культурными центрами для совместного осуществления культурных, образовательных, информационных и иных программ и проектов.

3. Возложить на информационно-библиотечные центры:

создание качественно нового уровня информационно-библиотечного обслуживания населения, оперативное удовлетворение его научных, образовательных, информационных и культурных интересов на основе современных информационных технологий;

обеспечение перехода от традиционного библиотечного обслуживания читателей к информационно-библиотечному сопровождению путем создания собственных информационных ресурсов и предоставления доступа к мировым научно-образовательным информационным ресурсам;

формирование, сохранение и предоставление универсальных информационных ресурсов, фонда национальных и зарубежных изданий (печатных, аудиовизуальных, электронных и др.);

создание электронных библиотек и баз данных, объединяющих с помощью сводного электронного каталога их информационные ресурсы;

координацию деятельности и организационно-методическое обеспечение информационно-ресурсных центров в сфере информатизации и библиотечного дела на местах.

4. Утвердить:

схему сети информационно-ресурсных и информационно-библиотечных центров согласно приложению № 1;

задание по созданию информационно-ресурсных и информационно-библиотечных центров согласно приложению № 2;

состав Межведомственного совета по координации деятельности информационно-библиотечной системы республики согласно приложению № 3.

5. Межведомственному совету по координации деятельности

информационно-библиотечной системы республики обеспечить: безвозмездную передачу в месячный срок в установленном порядке библиотек из системы Министерства по делам культуры и спорта в ведение Министерства высшего и среднего специального образования, Центра среднего специального профессионального образования МВССО, Министерства народного образования Республики Узбекистан и Узбекского агентства связи и информатизации, согласно приложению № 4, и проведение их рациональной реорганизации;

создание экспертных комиссий для проведения в двухмесячный срок перерегистрации всех фондов библиотек с учетом современных требований;

разработку в двухмесячный срок соответствующих нормативных документов, регламентирующих работу информационно-библиотечных и информационно-ресурсных центров;

укomплектование информационно-библиотечных и информационно-ресурсных центров квалифицированными кадрами на конкурсной основе;

высокую эффективность функционирования информационно-библиотечных и информационно-ресурсных центров и общедоступность пользования ими для всех слоев населения.

Кабинету Министров в месячный срок разработать и утвердить положение о Межведомственном совете.

Об итогах проделанной работы доложить аппарату Президента Республики Узбекистан до 1 декабря 2006 г.

6. Установить, что финансирование деятельности информационно-библиотечных и информационно-ресурсных центров осуществляется за счет средств государственного бюджета и спонсорских средств.

Министерству финансов совместно с Министерством экономики Республики Узбекистан предусмотреть выделение, начиная с января 2007 года, необходимых средств для компьютеризации информационно-ресурсных и библиотечных центров, с созданием в них электронных библиотек и внедрением прогрессивных информационных технологий.

Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятам областей и г.Ташкента обеспечить содействие в укреплении материально-технической базы информационно-ресурсных центров.

7. Возложить на Узбекское агентство связи и информатизации:

поэтапное подключение информационно-библиотечных центров в установленном порядке к информационной сети "ZiyoNET" с обеспечением доступа к их ресурсам широких слоев населения;

развитие системы электронных библиотек, систематизацию библиотечных информационных ресурсов.

8. Принять к сведению, что с 2006-2007 учебного года предусмотрена подготовка кадров бакалавриата по направлению образования "информатизация и библиотековедение" и соответствующим специальностям магистратуры в Ташкентском государственном институте культуры и Ташкентском университете информационных технологий.

Министерству высшего и среднего специального образования, Министерству по делам культуры и спорта Республики Узбекистан и Узбекскому агентству связи и информатизации:

в месячный срок разработать и утвердить требования к переподготовке и повышению квалификации кадров информационно-ресурсных и информационно-библиотечных центров;

обеспечить создание электронных учебников и библиотек, мультимедийных систем и программ.

9. Министерству юстиции Республики Узбекистан совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в месячный срок внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в законодательство, вытекающих из настоящего постановления.

10. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Мирзиёева Ш.М.


Президент
Республики Узбекистан

И.Каримов

город Ташкент

Схема сети

Информационно-ресурсных и информационно-библиотечных центров



Общее количество
информационно-ресурсных и
информационно-
библиотечных центров 1187

Задание

по созданию информационно-ресурсных и информационно-библиотечных центров в 2006 году
(единиц)

№ п/п	Территории	Всего	В том числе				
			Информационно-библиотечные центры	Информационно-ресурсные центры			
				Высшие учебные заведения	Академические лицеи	Профессиональные колледжи	Школы
1.	Республика Каракалпакстан	101	1	5	6	72	16
2.	Андижанская область	108	1	5	7	76	18
3.	Бухарская область	68	1	3	4	46	13
4.	Джизакская область	56	1	2	2	37	13
5.	Кашкарарьинская область	92	1	3	4	69	14
6.	Навоийская область	47	1	3	3	29	10
7.	Наманганская область	92	1	3	4	71	12
8.	Самаркандская область	112	1	7	7	80	16
9.	Сырдарьинская область	47	1	1	2	31	11
10.	Сурхандарьинская область	85	1	1	2	65	15
11.	Ташкентская область	106	1	3	4	76	21
12.	Ферганская область	115	1	5	5	84	10
13.	Хорезмская область	79	1	3	3	60	20
14.	г.Ташкент	79	1	0	5	60	12
	Итого	1187	14	44	58	856	201

к постановлению Президента Республики Узбекистан
от 20 июня 2006 г № ПП 381

Состав

Межведомственного совета по координации деятельности
информационно-библиотечной системы республики

1. Мирзиёев Ш.М. - Премьер-министр Республики Узбекистан, председатель Межведомственного совета
2. Касымов Р.С. - заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан - министр высшего и среднего специального образования, заместитель председателя Межведомственного совета
3. Арипов А.Н. - заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан - генеральный директор Узбекского агентства связи и информатизации, заместитель председателя Межведомственного совета
4. Азизходжаев А.А - министр по делам культуры и спорта
5. Джураев Т.И. - министр народного образования
6. Ашрафхонов Б.Б. - первый заместитель министра финансов
7. Каримов А.А. - первый заместитель министра высшего и среднего специального образования - директор центра ССПО
8. Джураев У.П. - первый заместитель председателя Агентства печати и информации
9. Избасаров А.Ф. - первый заместитель генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации
10. Гулямов С.С. - вице-президент Академии наук
11. Аъзамов К.А. - председатель центра "Маънавият ва маърифат"
12. Хасанов А. - начальник управления Министерства экономики
13. Ахмедов А.А. - главный редактор ИПАК "Шарк"
14. Зиёев М.Н. - начальник управления Госкомимущества
15. Умаров А.А. - директор Национальной библиотеки Узбекистана, ответственный секретарь совета

Примечания:

1. Заместитель председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, заместители хокимов областей по экономическим и социальным вопросам являются членами Межведомственного совета.

2. При переходе члена Межведомственного совета на другую работу назначенное на его место должностное лицо становится членом совета

Сеть библиотек

Министерства по делам культуры и спорта, передаваемых в 2006 году
на баланс других министерства и ведомств

№ п/п	Территории	Всего действую- щих библиотек в структуре Минис- терства по делам культуры и спорта	Передается на баланс				Сохра- няется на балансе Минис- терства по делам культуры и спорта (библио- теки для слепых)
			Узбекского агенства связи и информа- тизации	Минис- терства народного образования	Минис- терства высшего и среднего профес- сионального образования	Центра среднего специаь- ного професси- онального образования	
1	Республика Каракалпакис- тан	435	1	46	23	364	1
2	Андижанская область	486	1	69	24	391	1
3	Бухарская область	450	1	27	24	397	1
4	Джизакская область	266	1	20	12	232	1
5	Кашкадарьин- ская область	466	1	42	17	405	1
6	Навоийская область	254	1	14	20	218	1
7	Наманганская область	413	1	29	15	367	1
8	Самаркандская область	745	1	39	52	652	1
9	Сурхандарьин- ская область	414	1	20	6	386	1
10	Сырдарьинская область	719	1	19	5	173	1
11	Ташкентская область	502	1	34	17	449	1
12	Ферганская область	594	1	47	29	516	1
13	Хорезмская область	416	1	28	18	368	1
14	г.Ташкент	108	1	41	0	65	1
	Итого	5748	14	475	262	4989	14

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Тошкент ш.

2006 йил 27 июль

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика аҳоли-сини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида" 2006 йил 20 июндаги ПҚ-381-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш.Мирзиёев

**Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини
мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш (кейинги ўринларда Идоралараро кенгаш деб аталади) Ўзбекистон Республикаси ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналари фаолиятини унинг йўналишларига мувофиқ мувофиқлаштиришни амалга оширувчи коллегиял идоралараро орган ҳисобланади.

2. Идоралараро кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Идоралараро кенгаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, кутубхона шохобчаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Идоралараро кенгашнинг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари

4. Қуйидагилар Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-кутубхона тизими ва миллий ахборот-кутубхона фонди фаолият кўрсатиши ва ривожлантирилиши соҳасидаги стратегик устувор вазифаларни амалга ошириш;

тармоқлараро ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш,

ахборот-ресурс марказларини, ахборот-кутубхона марказларини ва кутубхоналарни улар фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш;

ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналарнинг, кутубхона-ахборот хизмати кўрсатиш тизимининг мақбул фаолият кўрсатиши бўйича мамлакатимиз ва хориждаги илмий-ахборот фаолияти ривожланишини ҳисобга олган ҳолда тавсияномалар ишлаб чиқиш.

5. Идоралараро кенгаш асосий вазифаларига мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот-кутубхона тизими сифатида ахборот-ресурс марказларини, ахборот-кутубхона марказларини ва кутубхоналарни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди;

ахборот-ресурс марказларини, ахборот-кутубхона марказларини ва кутубхоналарни комплектлашнинг асосий йўналишлари, мамлакатимиздаги адабиётлар (шу жумладан ҳужжатларнинг мажбурий нусхалари), қоғоз ва электрон манбалардаги хорижий нашрлар (шу жумладан халқаро китоблар алмашиш), маълумотлар базалари ва банклари билан энг тўлиқ таъминлаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқади ва ишларни мувофиқлаштиради;

ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналар фондларининг физик ҳолатини нашрларнинг, айниқса ноёб фондлар ва маданий мерос ёдгорликларининг сақланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ҳамда тавсияномалар ишлаб чиқиш йўли билан назорат қилишни ташкил этади;

республика ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналар учун мамлакатимиздаги ва хорижий нашрларга обуна бўлишга бюджет, шу жумладан валюта маблағларини тақсимлаш, шунингдек кутубхона ишларини юритишнинг илғор технологиялари негизида кутубхона кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича таклифларни кўриб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

республика ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналари фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини таъминлайди;

ахборот-ресурс марказларида ва ахборот-кутубхона марказларида янги ахборот технологияларини жорий этиш ишларини мувофиқлаштиради;

республикада ахборот-кутубхона ишларини истиқболли ривожлантиришнинг комплекс дастурларини ва асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларини мувофиқлаштиради;

ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналарнинг нашриётлар, китоб савдоси ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналар фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, адабиётларни нашр этиш ва қайта нашр этиш ҳамда уларнинг тиражларини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

республика ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналарида меҳнат шароитларини яхшилашга ва уларни кадрлар билан мустаҳкамлашга йўналтирилган таклифлар тайёрлайди;

республиканинг ахборот-кутубхона шохобчаларини ривожлантириш, шу жумладан электрон каталоглар ташкил этиш тизимини ривожлантириш, электрон илмий-таълим ресурсларидан фойдаланишнинг корпоратив тизимларини, ноёб фондларни рақамлаштириш марказларини ва шу кабиларни ташкил этиш бўйича илмий-техник лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ташаббус кўрсатади;

иш тажрибаларини ўрганиш, халқаро кутубхоналараро абонементни ривожлантириш, ахборотларни ўзаро айирбошлаш, халқаро кутубхона анжуманларида ва ташкилотларида қатнашиш учун чет эл кутубхоналари, нашриётлари, ахборот марказлари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқади;

халқаро ва республика кутубхона конференциялари ва семинарларини ташкил этишда ва ўтказишда ташаббус кўрсатади.

6. Идоралараро кенгаш ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

республика ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналари фаолиятининг мувофиқлаштирилишини яхшилашга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш;

вазирликлар ва идоралардан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Идоралараро кенгаш ваколатига тааллуқли ахборот ва маълумотнома материалларини белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва

кутубхона муассасалари вакилларининг ахборот-кутубхона ишлари соҳасидаги ишларни таъминлаш ва такомиллаштиришнинг аҳволи ва чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳисоботлари ва маърузаларини ешитиш;

ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналар фаолиятининг энг муҳим масалалари бўйича таклифларни ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш учун ишчи комиссиялар ва эксперт гуруҳлар ташкил этиш, шунингдек мутахассислар ва илмий ходимларни ушбу комиссиялар ва гуруҳларда ишлашга жалб этиш;

республика ахборот-кутубхона шохобчаларини ривожлантиришга доир илмий-техник лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ёки рад этиш бўйича эксперт хулосалари ва тавсиялар бериш.

Идоралараро кенгаш ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради ва ҳар йили Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

III. Таркиби ва ишларини ташкил этиш

7. Идоралараро кенгашнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

8. Идоралараро кенгаш ўз мажлисларини заруриятга кўра, лекин ҳар йили камида икки марта ўтказди.

9. Ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ Идоралараро кенгаш ҳар йили ўз ишлари режасини тасдиқлайди, шунингдек раис ўринбосарлари, масъул котиб ва кенгашнинг бошқа аъзолари вазифаларини белгилайди.

10. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Идоралараро кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

11. Идоралараро кенгаш ўз бланкасига эга бўлади. Идоралараро кенгаш фаолияти билан боғлиқ ёзишмаларни юритишда хатлар, Идоралараро кенгаш раиси (унинг ўринбосари) ёки масъул котиби томонидан имзоланади.

12. Идоралараро кенгаш мажлисини ўтказиш жойи, санаси ва тартиби раис ёки унинг ўринбосарлари томонидан белгиланади, қарорлар эса мажлисда қатнашганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Идоралараро кенгаш мажлисда таркибидагиларнинг камида ярми қатнашган тақдирда масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Идоралараро кенгаш билан келишган ҳолда Идоралараро кенгашга

бўйсунадиган ана шундай ҳудудий кенгашлар ташкил этилиши мумкин.

14. Идоралараро кенгаш қарорлари протокол билан расмийлаштирилади, уни раис ёки унинг ўринбосарларидан бири, шунингдек масъул котиб имзолайди.

15. Идоралараро кенгаш қарорлари барча манфаатдор шахсларга етказилади ҳамда кутубхона шохобчаларига эга бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

ПОСТАНОВЛЕНИЕ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

27 июля 2006 г.

г.Ташкент

Об утверждении Положения о Межведомственном совете по координации деятельности информационно-библиотечной системы республики

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 20 июня 2006 года № ПП-381 "Об организации информационно-библиотечного обеспечения населения республики" Кабинет Министров постановляет:

1. Утвердить Положение о Межведомственном совете по координации деятельности информационно-библиотечной системы республики согласно приложению.

2. Контроль за выполнением настоящего постановления возложить на Заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Касимова Р.С.

Премьер-министр
Республики Узбекистан

Ш.Мирзиёев

**Положение
о Межведомственном совете по координации деятельности
информационно-библиотечной системы республики**

I. Общие положения

1. Межведомственный совет по координации деятельности информационно-библиотечной системы республики (далее - Межведомственный совет) является коллегиальным межведомственным органом, осуществляющим координацию деятельности информационно-ресурсных центров, информационно-библиотечных центров и библиотек Республики Узбекистан в соответствии с её направлениями.

2. Межведомственный совет в своей деятельности руководствуется Конституцией Республики Узбекистан, законами Республики Узбекистан, постановлениями палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, указами, постановлениями и распоряжениями Президента Республики Узбекистан, постановлениями и распоряжениями Кабинета Министров Республики Узбекистан, а также настоящим Положением.

3. Межведомственный совет взаимодействует с Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и г.Ташкента, министерствами и ведомствами, имеющими сеть библиотек.

II. Задачи, функции и права Межведомственного совета

4. Основными задачами Межведомственного совета являются: реализация стратегических приоритетов в области функционирования и развития национальной информационно-библиотечной системы и национального информационного библиотечного фонда Республики Узбекистан;

осуществление межотраслевого организационно-методического руководства, координация работы по развитию информационно-ресурсных центров, информационно-библиотечных центров и библиотек по всем направлениям их деятельности;

разработка рекомендаций по оптимальному функционированию

информационно-ресурсных центров, информационно-библиотечных центров и библиотек, системы библиотечно-информационного обслуживания с учетом развития научно-информационной деятельности в стране и за рубежом.

5. В соответствии с основными задачами Межведомственный совет выполняет следующие функции:

определяет основные направления развития информационно-ресурсных центров, информационно-библиотечных центров и библиотек как единой информационно-библиотечной системы Республики Узбекистан;

разрабатывает рекомендации и координирует работу по основным направлениям комплектования информационно-ресурсных центров, информационно-библиотечных центров и библиотек, наиболее полному обеспечению отечественной литературой (включая обязательный экземпляр документов), зарубежными изданиями на бумажных и электронных носителях (включая международный книгообмен), базами и банками данных;

организует контроль за физическим состоянием фондов информационно-ресурсных центров, информационно-библиотечных центров и библиотек путем разработки мер и рекомендаций по обеспечению сохранности изданий, особенно редких фондов и памятников культурного наследия;

рассматривает и вносит в Кабинет Министров Республики Узбекистан предложения по распределению бюджетных средств, в том числе валютных, на подписку отечественных и зарубежных изданий для информационно-ресурсных центров, информационно-библиотечных центров и библиотек республики, а также по подготовке и переподготовке библиотечных кадров на базе передовых технологий ведения библиотечного дела;

обеспечивает разработку нормативных документов, регламентирующих деятельность информационно-ресурсных центров, информационно-библиотечных центров и библиотек республики;

координирует работу по внедрению в информационно-ресурсных центрах и информационно-библиотечных центрах новых информационных технологий;

координирует работу по разработке и реализации комплексных программ и основных направлений перспективного развития информационно-библиотечного дела республики;

разрабатывает меры по улучшению взаимодействия информационно-ресурсных центров, информационно-библиотечных центров и библиотек с издательствами, книготорговыми

организациями и средствами массовой информации;

подготавливает предложения по формированию и использованию фондов информационно-ресурсных центров, информационно-библиотечных центров и библиотек, изданию и переизданию литературы и определению тиражей;

✓ подготавливает предложения, направленные на улучшение условий труда и закрепление кадров в информационно-ресурсных центрах и библиотеках республики;

инициирует разработку и реализацию научно-технических проектов по развитию информационно-библиотечной сети республики, включая развитие системы электронной каталогизации, создание корпоративных систем доступа к электронным научно-образовательным ресурсам, центров оцифровывания редких фондов и т.д.;

вырабатывает рекомендации по развитию международного сотрудничества с зарубежными библиотеками, издательствами, центрами информации для изучения опыта работы, развития международного межбиблиотечного абонементов, взаимного обмена информацией, участия в международных библиотечных форумах и организациях;

инициирует организацию и проведение международных и республиканских библиотечных конференций и семинаров.

6. Для выполнения возложенных на него задач и функций Межведомственный совет имеет право:

принимать решения, направленные на улучшение координации деятельности информационно-ресурсных центров, информационно-библиотечных центров и библиотек республики;

запрашивать и получать в установленном порядке от министерств и ведомств, органов государственной власти на местах информационные и справочные материалы, относящиеся к компетенции Межведомственного совета;

заслушивать отчеты и доклады представителей информационно-ресурсных центров, информационно-библиотечных центров и библиотечных учреждений о состоянии и мерах по обеспечению и совершенствованию работ в области информационно-библиотечного дела;

создавать рабочие комиссии и экспертные группы для изучения и подготовки предложений по важнейшим вопросам деятельности информационно-ресурсных центров, информационно-библиотечных центров и библиотек, а также привлекать специалистов и научных работников к работе в этих комиссиях и

группах;

давать экспертные решения и рекомендации по поддержке или отклонению научно-технических проектов по развитию информационно-библиотечной сети республики.

Межведомственный совет несет ответственность за эффективное выполнение возложенных на него задач и ежегодно отчитывается перед Кабинетом Министров.

III. Состав и организация работы

7. Персональный состав Межведомственного совета утверждается Президентом Республики Узбекистан.

8. Межведомственный совет проводит свои заседания по мере необходимости, но не реже двух раз в год.

9. Межведомственный совет в соответствии с возложенными на него основными задачами ежегодно утверждает план своей работы, а также определяет обязанности заместителей председателя, ответственного секретаря и других членов совета.

10. Национальная библиотека Узбекистана им. А.Навои является рабочим органом Межведомственного совета.

11. Межведомственный совет имеет собственный бланк. При ведении переписки, связанной с деятельностью Межведомственного совета, письма подписываются председателем (его заместителем) или ответственным секретарем Межведомственного совета.

12. Место, дата и порядок проведения заседания Межведомственного совета определяются председателем или его заместителями, а решения принимаются большинством голосов участвующих на заседании. Межведомственный совет правомочен решать вопросы при наличии на заседании не менее половины его состава.

13. Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и г. Ташкента по согласованию с Межведомственным советом могут создаваться аналогичные территориальные советы, с подчинением Межведомственному совету.

14. Решения Межведомственного совета оформляются протоколом, который подписывает председатель или один из его заместителей, а также ответственный секретарь.

15. Решения Межведомственного совета доводятся до сведения всех заинтересованных лиц и являются обязательными для исполнения министерствами, ведомствами и организациями, имеющими сеть библиотек.

"Тасдиқлайман"
Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири,
Идоралараро кенгаш раиси
Ш.Мирзиёев

6 июль 2006 йил

**Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни
ташқил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасида ўтказилган кенгайтирилган мажлис баёни**

Тошкент шаҳри

4 июль 2006 йил

Раислик қилувчи:

Мирзиёев Ш.М. — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика
ахборот-кутубхона тизими фаолиятини
мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш
раиси

Қатнашдилар:

Қосимов Р.С. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг
ўринбосари, Идоралараро кенгаш раисининг
ўринбосари

Арипов А.Н — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг
ўринбосари, Идоралараро кенгаш раисининг
ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини
мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш аъзолари,
манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари (рўйхат бўйича).

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-381-сон қарорининг ижросини ташкил этиш тўғрисида

(А.Азизхўжаев, А.Умаров, Т.Жўраев, У.Мусаев, А.Избосаров, А.Каримов, А.Парпиев, Р.Қосимов, А.Арипов, Ш.Мирзиёев)

2. Кутубхоналарни қабул-топширув жараёнини ҳамда улар негизда ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларини ташкил этишнинг бориши тўғрисида

(А.Азизхўжаев, А.Парпиев, А.Каримов, Т.Жўраев, А.Избосаров, А.Умаров, Р.Қосимов, А.Арипов, Ш.Мирзиёев)

3. Турли масалалар.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар бўйича мажлис **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-381-сон қарори ижросининг назорат режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Азизхўжаев)нинг вазирлик тасарруфидаги кутубхоналарни тегишли вазирлик ва идораларнинг балансига бепул ўтказишга тайёргарлиги ҳақидаги маълумоти ахборот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманда:

таркибига манфаатдор томонлар, Давлат мулки қўмитаси, молия органлари вакиллари киритилган кутубхоналарни балансдан-балансга ўтказиш бўйича **қабул-топширув комиссияларини** тузсинлар;

қабул-топширувни амалга ошириш графигини ишлаб чиқсинлар; таркибига кутубхоначи ходимлар, "Маънавият ва маърифат"

кенгаши вакиллари, олий ўқув юртлари олим ва мутахассислари киритилган кутубхона фондларини қайта рўйхатдан ўтказиш эксперт комиссияларини тузсинлар;

қабул-топширув комиссиялари ва эксперт комиссиялари шахсий таркиби рўйхатини бир ҳафта ичида Идоралараро кенгашга тақдим этсинлар;

кутубхоналарни балансдан-балансга ўтказиш бўйича қабул-топширув комиссиялари **шу йил 20 июлга қадар** кутубхоналарнинг моддий-техник базаси, китоб жамғармаларини инвентаризациядан ўтказган ҳолда мазкур қарорнинг 4-иловасига мувофиқ Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфига қабул-топширув далолатномалари асосида бепул ўтказсинлар;

жорий йилнинг 15 августигача кутубхона фондларини қайта рўйхатдан ўтказиш эксперт комиссиялари балансдан-балансга ўтказилган кутубхоналарнинг барча фондларини замонавий талаблар асосида қайта рўйхатдан ўтказсинлар ва ҳар бир китобнинг фонддан чиқарилиши ҳақида акт тузиб, тасдиқласинлар. Бунда комиссиялар кутубхона фондларининг бутлигини сақлаш принципига қатъий амал қилган ҳолда фақат миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни, терроризм ва экстремизмни тарғиб қилувчи адабиётлар фонддан чиқарилишини, мазмунан эскирган адабиётлар очиқ фонддан олиб қўйилиб, илмий-тадқиқот мақсадида кутубхона архивида сақланишини инобатга олсинлар;

кутубхона фонди ва моддий-техника ресурсларининг йўқолиши ва талон-торож қилинишининг олдини олсинлар, ушбу ҳолат қайд этилган ҳолларда масъул шахсларга нисбатан кескин чоралар белгиласинлар;

бир ярим ой муддатда янги ташкил этилаётган ахборот-ресурс марказлари ва ахборот-кутубхона марказларига **кадрларни танлов асосида қабул қилиш бўйича комиссиялар тузсин** ҳамда танлов мезонлари асосида кадрларни қабул қилишни ташкил этсинлар. Бунда тажрибали, етук, кўп ишлаган ходимларни сақлаб қолган ҳолда уларни қайта ўқитиб, компьютер саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор берилсин;

ахборот-кутубхона марказлари ва ахборот-ресурс марказларини танлов асосида малакали кадрлар билан таъминлашда "Ўзбекистон Республикаси маданий-маърифий муассасалари ходимларининг

намунавий (типовой) штатлари" ва ИФЛА/ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган "Ахборот-ресурс марказларининг стандарт модели" тавсиялари инобатга олинсин;

бажарилган ишлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериб борсинлар.

б) қарорнинг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатиш;

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда тасарруфга қабул қилиб олинган кутубхоналар негизда Қарорнинг 2-иловасига мувофиқ ахборот-ресурс марказлари ва ахборот-кутубхона марказларини ташкил этиш бўйича барча ишларни амалга ошириш;

балансдан-балансга ўтказилган кутубхоналарнинг ҳомий ва оталиқ ташкилотлар маблағини жалб этган ҳолда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича зарур чораларни белгиласинлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ушбу баёнда ифода этилган вазифаларни бажариш бўйича ҳудудий-манзилий дастур тузиб, ўз қарори билан тасдиқласинлар ва 15 кун муддатда Идоралараро кенгаш тасдиғига киритсинлар.

4. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисида Низом"ни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига;

бир ой муддатда "Ахборот-кутубхона марказлари тўғрисида Низом" ва "Ахборот-ресурс марказлари тўғрисида Низом"ни тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Идоралараро кенгашга киритиш топширилсин;

"Кутубхоначилик иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳасига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартишлар киритиб белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

янги ташкил этилаётган ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, кутубхона фондларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказиш эксперт комиссияларига услубий ёрдам кўрсатиш Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси (А.Умаров) зиммасига юклансин.

5. Молия вазирлиги:

15 кун муддатда қарорда белгиланган топшириқлардан келиб чиқиб, тегишли вазирликлар, идоралар ҳамда ташкилотларнинг 2006 йилги харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2007 йил бюджет параметрларини ишлаб чиқишда ахборот-кутубхона ҳамда ахборот-ресурс марказларида электрон дарслик ва электрон кутубхоналарни ташкил қилиш ҳамда илғор ахборот технологияларини қўллаш учун ушбу марказларни замонавий ахборот воситалари ва компьютерлар билан жиҳозлаш юзасидан зарур маблағлар ажратилишини ҳисобга олсин.

6. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига:

ахборот-кутубхона марказларини белгиланган тартибда "Ziyo-NET" ахборот тармоғига босқичма-босқич улаш ва уларнинг ресурсларидан аҳоли кенг қатламларининг фойдаланиши режасини ишлаб чиқиш;

электрон кутубхоналар тизимини ривожлантириш, кутубхона ахборот ресурсларини тизимлаштириш вазифалари юклатилсин.

7. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда:

10 кун муддатда тасарруфларидаги ахборот-кутубхона ҳамда ахборот-ресурс марказлари кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш жадвалини, уларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

электрон дарсликлар ва кутубхоналар, мультимедиа тизимлари ва дастурларини яратиш бўйича ўзаро ҳамкорлик ўрнатсинлар ҳамда бу соҳалардаги вазифаларни бажариш учун амалий фаолият дастурини ишлаб чиқсинлар ва ҳаётга жорий этсинлар.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги 10 кун муддатда Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг вилоятлардаги филиаллари негизида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этсин.

8. Республика ҳудудларида ташкил этилган Кутубхоналарни

балансдан-балансга ўтказиш бўйича қабул-топширув комиссиялари, Кутубхона фондларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказиш эксперт комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш ва жойларда ушбу ишларни талаб даражасида ташкил этиш учун республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини Мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш аъзолари 2-иловага мувофиқ ҳудудларга масъул этиб белгилансин.

Идоралараро кенгашнинг ҳудудлар бўйича масъул аъзолари амалга оширилган ишлар бўйича ҳар ойнинг 1 ва 15 кунлари Вазирлар Маҳкамасига ёзма ахборот берсинлар.

9. Ушбу баён ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори, кенгаш масъул котиби А.Умаров ва Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири Ш.Қурбонов зиммаларига юклансин.

"Тасдиқлайман"
Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири,
Идоралараро кенгаш раиси
Ш.Мирзиёев

13 август 2006 йил

**Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни
ташkil этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасида ўтказилган кенгайтирилган мажлис баёни**

Тошкент шаҳри

27 июль 2006 йил

Раислик қилувчи:

Қосимов Р.С. - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг
ўринбосари, Идоралараро кенгаш раисининг
ўринбосари

Қатнашдилар:

Курбонов Ш.Э. - Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни
сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари АТД
мудир

Мирзахидов Х. - Вазирлар Маҳкамасининг ахборот тизимлари ва
телекоммуникациялар масалалари АТД мудир

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини
мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш аъзолари,
манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари (рўйхат бўйича).

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-381-сон қарорининг бажарилишининг бориши тўғрисида

(А.Ҳайдаров, Р.Ахлиддинов, Р.Неъматов, А.Парпиев, А.Умаров, А.Избосаров, Р.Қосимов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-381-сон қарори чиққанига ҳам бир ойдан зиёд вақт ўтди. Шу давр ичида қарорни бажариш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди, жумладан:

а) Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги кутубхоналарни қарорнинг 2 - иловасига биноан тегишли вазирлик ва идораларнинг балансига ўтказиш ишлари якунланди;

б) кутубхоналарни балансдан-балансга ўтказиш бўйича барча ҳудудларда қабул-топширув комиссиялари тузилди, қабул-топширувни амалга ошириш графиклари ишлаб чиқилди, кутубхона фондларини қайта рўйхатдан ўтказиш эксперт комиссиялари тузилди;

в) тасарруфида ахборот-кутубхона марказлари, ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган айрим вазирлик ва идоралар тизимларига қисман ўзгартишлар киритилди.

Бироқ, **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари** ўз ҳудудларидаги ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ҳомий ва оталиқ ташкилотлар маблағларини жалб этиш ишлари қоникарли аҳволда эмас.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда электрон дарсликлар ва кутубхоналар, мультимедиа тизимлари ва дастурларини яратиш бўйича ўзаро ҳамкорлик ўрнатиб, бу соҳалардаги вазифаларни бажариш учун

амалий фаслият дастурини ишлаб чиқиб, уни ҳаётга жорий этишда сусткашликка йўл қўймоқдалар.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар бўйича мажлис **қарор қилади:**

1. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Ҳайдаров), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Парпиев), Халқ таълими вазирлиги (Т.Жўраев), Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази (А.Каримов), Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А.Избосаров)нинг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги кутубхоналарни тегишли вазирлик ва идораларнинг балансига ўтказиш ишлари тўлиқ бажарилганлиги ҳақидаги ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Правда Востока" газетасининг 2006 йил 27 июль сонисида эълон қилинган "Эгасиз кутубхоналар" ("Библиотеки без хозяев") мақоласида кўрсатилган камчиликларга йўл қўйган Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси ва Тошкент вилояти ҳокимлиги мутасадди ходимларига тегишли чоралар кўрилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

қарорнинг 2-иловасига мувофиқ ўз тизимларида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари ва ахборот-кутубхона марказларининг моддий-техника базаси (биноси, компьютер ва оргтехникаси, машинаси ва ҳ.к.з.), фондлари ҳақида маълумот ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифларини вилоятлар, туманлар ва ахборот-кутубхона марказлари ва ахборот-ресурс марказлари кесимида иловадаги жадвалга мувофиқ **10 кун муддатда** Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари белгиланган тартибда, танлов асосида малакали кадрлар билан тўлдирилишини 20 августгача тугаллаш чора-тадбирларини кўрсинлар;

ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари юксак самара билан фаолият кўрсатишини ҳамда аҳолининг барча қатламлари улардан бемалол фойдалана олиш тартибини 20 августгача ишлаб чиқиб тасдиқласинлар ва бу тартибга **доимий равишда** амал қилиш таъминлансин;

ташкил этилган ахборот-кутубхона марказлари ва ахборот-ресурс марказларини давлат рўйхатидан ўтказиш, марказлар пешлавҳаларини янгилаш ишларини 1 сентябрга қадар тугалласин;

Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2007 йилнинг январидан бошлаб ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида босқичма-босқич электрон кутубхоналарни ташкил қилиш ҳамда илғор ахборот технологияларини татбиқ этиш учун ушбу марказларни компьютер техникаси ва дастурий воситалар билан таъминлашнинг манзилий дастурини 1 октябргача ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар.

4. Ўзбекистон Миллий кутубхонасига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда "Кутубхоначилик иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳасига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартишлар киритиш учун ишчи гуруҳи таркиби бўйича Идоралараро кенгашга таклиф бериш;

15 кун муддатда Молия вазирлиги, Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутахассисларини жалб қилган ҳолда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ходимларининг намунавий штатларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш;

10 кун муддатда электрон дарсликлар ва кутубхоналар, мульти-медиа тизимлари ва дастурларини яратиш бўйича ўзаро ҳамкорлик ўрнатиб, бу соҳалардаги вазифаларни бажариш учун амалий фаолият дастурини ишлаб чиқиш;

1 сентябргача ахборот-кутубхона марказларини ҳамда ахборот-ресурс марказларини белгиланган тартибда "ZiyoNET" ахборот тармоғига босқичма-босқич улаш ва уларнинг ресурсларидан аҳоли кенг қатламларининг фойдаланиши режасини ишлаб чиқиш;

келгусида "Правда Востока" газетасининг 2006 йил 27 июль сонидида эълон қилинган "Эгасиз кутубхоналар" ("Библиотеки без хозяев") мақоласида кўрсатилган камчиликларга йўл қўймаслик чораларини кўриш вазифалари юклансин.

5. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-381-сон қароридан келиб чиққан ҳолда тегишли вазирлик ва идораларнинг муассасаларини 2006 йил харажатлар сметаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини тугаллаш ва шу асосда молиялаштириш чораларини кўрсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар

ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига:

Ўз ҳудудларидаги ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ҳомий ва оталиқ ташкилотлар маблағларини жалб этиш чора-тадбирларини кўриш;

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда кутубхоналарни ахборот-кутубхона марказлари ва ахборот-ресурс марказларига айлантириш натижасида қисқартирилган ходимларни иш билан таъминлаш чораларини кўриш;

ташкил этилган ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари кадрлар билан тўлдирилиш чоғида кадрларни танлов асосида қабул қилиш бўйича тузилган комиссиялар танлов мезонларига қатъий амал қилиши устидан назоратни кучайтириш, бунда тажрибали, етук, кўп ишлаган ходимларнинг сақлаб қолинишига аҳамият бериш вазифалари топширилсин.

7. Республика "Маънавият ва маърифат маркази" (Қ.Аъзамов) олим ва мутахассислардан иборат махсус гуруҳ тузиб, янгидан ташкил этилган ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фондларини қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича жойларда тузилган эксперт комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштиради ва амалий ёрдам кўрсатган ҳолда барча фондларнинг замонавий талаблар асосида кўриб чиқирилишини таъминласин.

8. Ушбу баён ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори, кенгаш масъул котиби А.Умаров ва Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири Ш.Қурбонов зиммаларига юклансин.

Ахборот-кутубхона марказининг намунавий Низоми

1. Умумий қоидалар

1.1. Кейинги ўринларда "АКМ" деб аталадиган ахборот-кутубхона маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида" 2006 йил 20 июндаги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг Республика кутубхонаси, вилоятлар илмий-универсал кутубхоналари, Тошкент шаҳар марказий кутубхонасининг ҳуқуқий вориси бўлиб, унинг негизида ташкил этилган.

1.2. АКМ фаолияти демократик, инсонпарварлик, ҳаммабон, умуминсоний қадриятлар устуворлиги, фуқаролик, шахснинг эркин камол топиши принципларига асосланади.

1.3. АКМ Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги Республика ахборот-кутубхона маркази (кейинги ўринларда "РАКМ" деб аталади) ихтиёридадир.

1.4. АКМ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қарорлари ва фармойишларига, ички тартиб қоидаларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади ва бўйсунати.

1.5. АКМ юридик шахс бўлиб, алоҳида мол-мулкка, мустақил сметага, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-рақамларига, ўз номи ва РАКМ, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги номи ёзилган гербли думалоқ муҳрга, штампларга, махсус форма қоғозига, бошқа реквизитларга эга бўлади.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш АКМга умумий ташкилий-методик раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — республика методика маркази унинг ишчи органи ҳисобланади.

1.7. АКМ ахборотлаштириш ва кутубхона иши соҳасида ўз минтақасининг ахборот-ресурс маркази учун минтақавий методик

марказ ҳисобланади.

1.8. АКМ хорижий мамлакатларнинг ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари, кутубхоналари ва илмий-таълим муассасалари билан ахборот-кутубхона алоқаларини ўрнатади. Республиканинг кутубхоналари ҳамда бошқа муассасалари ва ташкилотлари билан китоб айирбошлайди, шунингдек заруриятга қараб хорижий мамлакатларнинг кутубхоналари ва ташкилотлари билан халқаро китоб айирбошлайди. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ва аҳолининг барча қатламларини ахборотга бўлган интеллектуал қизиқишларини ва талабларини янги ахборот технологиялари ва юқори сифатли ахборот-кутубхона хизмати ёрдамида тўла қондиради.

2. АКМнинг асосий мақсад ва вазифалари

2.1. Қуйидагилар АКМ фаолиятининг асосий мақсадлари ҳисобланади.

- юқори сифатли кутубхона-ахборотни таъминлаш ҳисобига аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш;
- билимлар ва ахборотдан эркин фойдаланиш;
- шахснинг камол топиши, таълим ва мустақил билим олиш, маданий фаолият ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш.

2.2. Қуйидагилар АКМнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш;

- китобхонларга анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга ўтишни таъминлаш;

- универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш;

- йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш;

- жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш.

3. АКМнинг асосий функциялари

Асосий вазифаларни бажариш учун АКМ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

3.1. Кутубхона-ахборот ресурслари фондини шакллантиради:

— универсал фондни анъанавий ва анъанавий бўлмаган ахборот шаклларида ўқув, бадиий, илмий, маълумотнома ва илмий-оммабоп ҳужжатлар билан бутлайди;

— фондни Интернет тармоғининг ахборот ресурслари, бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотлар базалари ва маълумотлар банки билан мунтазам равишда тўлдириб боради;

— вилоятдаги олимлар, профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган асарлар ва ҳужжатлар фондини йиғайди;

— ҳужжатларни жойлаштиради, ташкил этади ва уларни сақлайди;

3.2. Ахборот маҳсулотлари яратади:

— ахборотни таҳлилий-синтетик қайта ишлайди;

— маълумотнома-библиография аппаратини ташкил этади ва юритади: алифболи, системали каталогларни, мақолаларнинг системали мавзули ва ўлкашунослик картотекаларини ҳамда электрон шакллари, маълумотлар базасини яратади;

— ҳудудий, миллий нашрларнинг электрон каталогини яратади ва Республиканинг электрон каталогини яратишда иштирок этади;

— тавсиявий библиографик қўлланмаларни ишлаб чиқади (шарҳлар, кўрсаткичлар, рўйхатлар ва ҳоказолар);

— ахборотдан фойдаланувчиларга ахборот маҳсулотлари ҳақида ахборот бериш билан шуғулланади.

3.3. Фойдаланувчиларга табақалаштирилган ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш:

— фойдаланувчиларнинг қизиқишлари ва ахборотга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш асосида ҳар хил манбаларда ахборот ресурслари тақдим этади;

— ўқитиш, билим олиш ва ижодий фаолиятда коммуникацияга таянган ҳолда мустақилликни шакллантириш учун шарт-шароит яратади;

— масофадан туриб ўқитишни ривожлантириш билан бирга мустақил ўқиш кўникмасини ривожлантиради;

— мустақил кутубхонадан фойдаланувчи ва ахборот истеъмолчиси кўникмаларига ўқитишни ташкил этади, билимлар, кўникма ва малакалар мажмуининг китоб ва ахборот билан ишлашга интеграциясига қўмаклашади;

— фойдаланувчиларнинг мутолаа, мустақил билим олиш ва дам олиш жараёнига боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ахборот фаолияти билан таъсир этади;

— шахснинг умумий ва мутолаа маданиятини, танқидий фикрлашини ривожлантиришга ёрдам берувчи якка ва оммавий ишларни ташкил этади;

— фойдаланувчиларга билим олиш ва дам олиш жараёнларини ташкил этишга, видеофильмларни, CD ва DVD дискларни томоша қилиш, компьютер ўйинларининг томошасини ташкил этишга ёрдам беради;

— белгиланган тартибда "ZiyoNeT" республика илмий-таълим ахборот тармоғига уланади, унинг ресурсларидан аҳолининг кенг қатламлари фойдаланишини таъминлайди;

— илмий-тадқиқот иши, таълим, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ талаб ва қизиқишларни, ахборотга бўлган эҳтиёжни ўрганади ва қондиради;

— фойдаланувчиларнинг касб-маҳоратини оширишга, малакасини кўтаришга ёрдам беради;

— фойдаланувчиларнинг сўровлариға кўра ихтисослаштирилган маълумотлар базаси яратади;

— эркин ва пуллик хизмат кўрсатиш асосида маълумотлар базасидан фойдаланишни, илмий-таълимий электрон нашрлар намойишини ташкил этади;

— кундалик ахборотлаштириш ишларини ахборот кунлари, янги босма ва электрон нашрларнинг шарҳи ва ахборот рўйхатлари воситасида амалга оширади;

— жорий хабардор қилишни амалга оширади (ахборот кунлари, янги келган нашрлар ва материаллар шарҳи);

— вилоятдаги ахборот-ресурс марказларини ахборот билан бойитишга ёрдам беради;

— ахборот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ўқув машғулотларини ўтказиши.

3.4. Маслаҳат хизматлари ва ўқитиш курслари ташкил этади:

— кутубхона менежменти, маркетинги, янги ахборот технологияларини қўллаш ва ҳ.к. бўйича ўз минтақаси доирасида кутубхоначиларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил этади;

— ахборот ресурслари, электрон маълумотлар базалари яратиш ва махсус дастурлар бўйича Интернетда навигациялар яратиш ва фойдаланиш соҳасида кутубхоначилар ва фойдаланувчиларга маслаҳатли хизмат кўрсатади; ахборот ресурслари, электрон маълумотлар

базалари, Интернет ва ҳ.к.дан фойдаланиш бўйича фойдаланувчилар учун ўқитиш курслари ташкил этади.

3.5. РАКМ билан келишган ҳолда АКМдан фойдаланиш қоидалари, кутубхона фондлари ва бошқа ахборот ресурсларини ташкил этиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномаларни тасдиқлайди. Фойдаланувчиларнинг ёши чегараси АКМдан фойдаланиш қоидаларида кўрсатилади.

3.6. АКМ ўз фондидан ҳудудидаги аҳоли барча қатламларининг фойдаланишини ҳамда республика ва бошқа давлатларнинг фуқароларига у ҳақидаги тўлиқ ахборот беришни ташкил этади.

3.7. Ўқув залларида АКМ фондларидан, маълумотнома аппаратида фойдаланиш ҳамда ахборот манбаларини излаш ва танлашда маслаҳат бериш бепул амалга оширилади.

3.8. Алоҳида қимматли ва нодир қўлёзмалар ва нашрларнинг сақланишини таъминлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда АКМдан фойдаланиш қоидаларида АКМ фондларидан фойдаланишда чеклашлар белгиланиши мумкин. АКМда чекланган ҳолда фойдаланиладиган ҳужжатлар мавжудлиги тўғрисидаги ахборот барча учун очиқ ҳисобланади.

4. АКМнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

АКМ қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

4.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида" 2006 йил 20 июндаги қарорида кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга ва ушбу Низомга мувофиқ кутубхона-ахборот хизмати кўрсатиш шакллари, воситалари ва усулларини мустақил танлаш.

4.2. Ахборот ресурслари ва бошқа ҳужжатларни тўплаш манбаларини белгилаш.

4.3. Кутубхона фондини ҳисобга олиш бўйича йўриқномага мувофиқ фондларда ҳужжатларни олиш ва реализация қилиш.

4.4. Тасдиқланган АКМ тарифлари бўйича пуллик ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш.

4.5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кутубхона уюшмалари ва иттифоқлари ишида қатнашиш.

АКМ қуйидагиларга мажбурдир:

4.6. Ҳар қандай фойдаланувчилар тоифасининг АКМнинг ахборот ресурслари билан ишлаш имкониятини таъминлаш.

4.7. Фойдаланувчиларни АКМ томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ҳақида хабардор қилиш.

4.8. Халқаро коммуникатив MARC форматлар негизида электрон каталогни мунтазам равишда шакллантириш.

4.9. Фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ва муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун талабларини ҳисобга олган ҳолда маълумотларнинг тўлиқ матнли электрон базаларини яратиш.

4.10. Мавжуд меъёрий ҳужжатларга мувофиқ фондлар ва каталоглар ташкил этилишини таъминлаш.

4.11. Тасдиқланган нашрлар рўyxатига, фойдаланувчиларнинг барча тоифалари манфаатлари, эҳтиёжлари ва сўровларига мувофиқ фондларни шакллантириш.

4.12. Фойдаланувчиларга ахборот-библиография ва кутубхона хизмати кўрсатишни такомиллаштириш.

4.13. Ахборот манбалари фойдаланилишининг сақланишини таъминлаш, уларни тизимлаштириш, жойлаштириш ва сақлаш.

5. Бошқарув. АКМ тузилмаси ва штатлари

5.1. АКМни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

5.2. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарияти билан келишув бўйича РАКМ директори томонидан лавозимига тайинланадиган ва озод этиладиган директор АКМ раҳбари ҳисобланади.

5.3. Директор Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур Низом асосида иш кўради, АКМ фаолиятига жорий раҳбарлик қилади ва Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги республика ахборот-кутубхона марказига ҳисобот беради.

5.4. Директор ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича яккабошчилик асосида иш кўради ҳамда АКМ фаолиятини ташкил этиш ва таъминлаш бўйича қуйидаги функциялар ва мажбуриятларни бажаради:

5.4.1. АКМ манфаатларини ифодалайди, унинг номидан ишонч-номасиз иш кўради.

5.4.2. Амалдаги қонун ҳужжатларида ва мазкур Низомда белгиланган доираларда АКМ мол-мулкани тасарруф қилади, шартномалар тузади, АКМнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

5.4.3. РАКМ билан келишув бўйича ўз ўринбосарларини тайинлайди, ходимларни лавозимга ёллади, лавозимдан озод қилади,

улар билан меҳнат шартномалари тузади, рағбатлантириш ёки танбеҳ бериш чораларини қўллайди, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ рағбатлантирувчи тусга эга бўлган қўшимча ҳақ, устамалар ва бошқа тўловлар турлари ва миқдорини белгилайди.

5.4.4. РАКМ билан келишув бўйича АКМнинг тузилмасини, штат жадвалини, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомни, лавозим йўриқномаларини, АКМдан фойдаланиш қоидаларини, фондларни бутлаш йўриқномасини тасдиқлайди, АКМ сметасини тасдиқлаш учун уни РАКМга тақдим этади.

5.4.5. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш учун АКМ ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайди, АКМнинг моддий-техника базасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, фойдаланувчилар ва ходимлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўради.

5.4.6. АКМ фаолияти билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

5.5. Ахборот-кутубхона марказларини малакали кадрлар билан бутлаш танлов асосида амалга оширилади.

5.6. Кутубхона кадрларидан ташқари АКМ ахборот технологиялари соҳасида қўйидаги мутахассислар билан бутланади: маҳаллий тармоқ ва маълумотлар базаси маъмури; электрон ахборот ресурсларини шакллантириш бўйича оператор, ҳисоблаш техникаси воситаларига хизмат кўрсатувчи техник.

6. АКМнинг мол-мулки ва молияси

6.1. АКМ фаолиятини молиялаштириш республика бюджети ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6.2. АКМнинг бинолари, иншоотлари, кутубхона фондлари, бошқа мол-мулки давлат мулки ҳисобланади ва АКМ ва РАКМнинг тезкор бошқарувида бўлади ҳамда бирор-бир ўзгага берилмайди, хусусийлаштирилмайди ва гаровга қўйилмайди.

6.3. АКМ эгаллаб турган ер участкаси у мавжуд бўлган бутун даврда бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан унга бириктирилади.

6.4. АКМни, шу жумладан у жойлашган хоналар ва бинони давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга йўл қўйилмайди.

6.5. АКМ пуллик кутубхона-ахборот хизматлари кўрсатиш ҳуқуқига эгадир. Бундай хизматлар рўйхати АКМ дирекцияси томонидан белгиланади ва тасдиқланади.

6.6. Фондни бутлаш ва асбоб-ускуналар харид қилиш учун мақсадли маблағлар шаклида АКМ томонидан олинган ҳомийлик

ТИПОВОЕ ПОЛОЖЕНИЕ

об информационно-библиотечном центре

1. Общие положения

1.1. Информационно-библиотечный центр, в дальнейшем именуемый "ИБЦ", создан в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан "Об организации информационно-библиотечного обеспечения населения республики" от 20 июня 2006 года на базе Республиканской библиотеки Республики Каракалпакстан, областных универсальных научных библиотек, Ташкентской центральной городской библиотеки, является их правопреемником.

1.2. Деятельность ИБЦ основывается на принципах демократии, гуманизма, общедоступности, приоритета общечеловеческих ценностей, гражданственности, свободного развития личности.

1.3. ИБЦ находится в ведении Республиканского информационно-библиотечного центра при Узбекском агентстве связи и информатизации (далее - РИБЦ).

1.4. ИБЦ в своей деятельности руководствуется Конституцией, законами Республики Узбекистан, Указами и распоряжениями Президента Республики Узбекистан, постановлениями и распоряжениями Кабинета Министров Республики Узбекистан, Узбекского агентства связи и информатизации, правилами внутреннего распорядка и настоящим Положением.

1.5. ИБЦ является юридическим лицом, имеет обособленное имущество, смету, самостоятельный баланс, счета в банковских учреждениях, гербовую печать со своим наименованием и наименованием РИБЦ, штампы, бланки, иные реквизиты.

1.6. Общее организационно-методическое руководство ИБЦ осуществляет Межведомственный совет по координации деятельности информационно-библиотечной системы республики при Кабинете Министров Республики Узбекистан, рабочим органом которого является Национальная библиотека Узбекистана - республиканский методический центр.

1.7. ИБЦ является региональным методическим центром для ИРЦ своего региона в сфере информатизации и библиотечного дела.

1.8. ИБЦ развивает информационно-библиотечные связи с информационно-ресурсными и информационно-библиотечными центрами, библиотеками и научно-образовательными

ёрдами нормативлар ва бюджетдан молиялаштиришнинг мутлақ миқдорлари пасайишига олиб келмайди.

6.7. АКМ томонидан топширилган қоғоз чиқиндилари учун олинган пул маблағлари АКМнинг моддий-техника базасини яхшилашга, профессионал нашрларга обуна бўлишга, ҳужжатлар фондини бутлашга сарфланади.

6.8. Тезкор бошқариш ҳуқуқи билан АКМга бириктирилган мол-мулкдан вазифасига кўра фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши устидан назорат қилишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда РАКМ амалга оширади.

7. АКМни қайта ташкил этиш ва тугатиш

7.1. АКМни қайта ташкил этиш ва тугатиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

7.2. АКМни қайта ташкил этишда барча ҳужжатлар (бошқарув, молия, ҳўжалик ҳужжатлари, шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар), мол-мулк ва фондлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

7.3. АКМ тугатилса унинг архивлари амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда АКМ жойлашган жой бўйича давлат архивига берилади.

"Ахборот-кутубхона марказининг намунавий Низоми" Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 2006 йил 6 ноябрь баённомаси билан тасдиқланган.

ТИПОВОЕ ПОЛОЖЕНИЕ

об информационно-библиотечном центре

1. Общие положения

1.1. Информационно-библиотечный центр, в дальнейшем именуемый "ИБЦ", создан в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан "Об организации информационно-библиотечного обеспечения населения республики" от 20 июня 2006 года на базе Республиканской библиотеки Республики Каракалпакстан, областных универсальных научных библиотек, Ташкентской центральной городской библиотеки, является их правопреемником.

1.2. Деятельность ИБЦ основывается на принципах демократии, гуманизма, общедоступности, приоритета общечеловеческих ценностей, гражданственности, свободного развития личности.

1.3. ИБЦ находится в ведении Республиканского информационно-библиотечного центра при Узбекском агентстве связи и информатизации (далее - РИБЦ).

1.4. ИБЦ в своей деятельности руководствуется Конституцией, законами Республики Узбекистан, Указами и распоряжениями Президента Республики Узбекистан, постановлениями и распоряжениями Кабинета Министров Республики Узбекистан, Узбекского агентства связи и информатизации, правилами внутреннего распорядка и настоящим Положением.

1.5. ИБЦ является юридическим лицом, имеет обособленное имущество, смету, самостоятельный баланс, счета в банковских учреждениях, гербовую печать со своим наименованием и наименованием РИБЦ, штампы, бланки, иные реквизиты.

1.6. Общее организационно-методическое руководство ИБЦ осуществляет Межведомственный совет по координации деятельности информационно-библиотечной системы республики при Кабинете Министров Республики Узбекистан, рабочим органом которого является Национальная библиотека Узбекистана - республиканский методический центр.

1.7. ИБЦ является региональным методическим центром для ИРЦ своего региона в сфере информатизации и библиотечного дела.

1.8. ИБЦ развивает информационно-библиотечные связи с информационно-ресурсными и информационно-библиотечными центрами, библиотеками и научно-образовательными

учреждениями зарубежных стран. Осуществляет книгообмен с библиотеками и иными учреждениями и организациями республики, а также по мере необходимости осуществляет международный книгообмен с библиотеками и организациями зарубежных стран.

2. Основные цели и задачи

2.1. Основными целями деятельности ИБЦ являются:

- удовлетворение информационных запросов населения за счет высококачественного библиотечно-информационного обеспечения;
- свободный доступ к получению знаний и информации;
- создание условий для развития личности, образования и самообразования, культурной деятельности и досуга.

2.2. Основными задачами деятельности ИБЦ являются:

- создание качественно нового уровня информационно-библиотечного обслуживания населения, оперативное удовлетворение их научных, образовательных, информационных и культурных интересов на основе современных информационных технологий;
- обеспечение перехода от традиционного библиотечного обслуживания пользователей к информационно-библиотечному сопровождению путем создания собственных информационных ресурсов и предоставления доступа к мировым научно-образовательным информационным ресурсам;
- формирование, сохранение и предоставление универсальных информационных ресурсов, фонда национальных и зарубежных изданий (печатных, аудиовизуальных, электронных и др.);
- создание электронных библиотек и баз данных, объединяющих с помощью сводного электронного каталога их информационные ресурсы;
- координация деятельности и организационно-методическое обеспечение информационно-ресурсных центров в сфере информатизации и библиотечного дела на местах.

3. Основные функции

Для реализации основных задач ИБЦ осуществляет следующие функции:

3.1. Формирует фонд библиотечно-информационных ресурсов:

- комплектует универсальный фонд учебными, художественными, научными, справочными и научно-популярными

документами на традиционных и нетрадиционных носителях информации;

- пополняет фонд информационными ресурсами сети Интернет, базами и банками данных других учреждений и организаций;

- аккумулирует фонд документов, создаваемых в области (публикаций и работ ученых, педагогов, рефераты и др.);

- осуществляет размещение, организацию и сохранность документов.

3.2. Создает информационную продукцию:

- осуществляет аналитико-синтетическую переработку информации;

- организует и ведет справочно-библиографический аппарат: каталоги (алфавитный, систематический), картотеки (систематическую картотеку статей, тематические и краеведческие картотеки), электронный каталог, базы данных;

- создаёт электронный каталог (прежде всего региональных национальных изданий) и участвует в формировании сводного электронного каталога республики;

- разрабатывает рекомендательные библиографические пособия (обзоры, указатели, списки и т.п.);

- обеспечивает информирование пользователей об информационной продукции.

3.3. Осуществляет дифференцированное библиотечно-информационное обслуживание:

- предоставляет информационные ресурсы на различных носителях на основе изучения интересов и информационных потребностей пользователей;

- создает условия для реализации самостоятельности в обучении, познавательной, творческой деятельности с опорой на коммуникацию;

- способствует развитию навыков самообучения (включая дистанционное обучение);

- организует обучение навыкам независимого библиотечного пользователя и потребителя информации, содействует интеграции комплекса знаний, умений и навыков работы с книгой и информацией;

- оказывает информационную поддержку в решении задач, возникающих в процессе их учебной, самообразовательной и досуговой деятельности;

- организует массовые мероприятия, ориентированные на

развитие общей и читательской культуры личности, содействует развитию критического мышления;

- содействует пользователям в организации образовательного процесса и досуга (просмотр видеофильмов, CD-, DVD-дисков, презентации развивающих компьютерных игр и др.);

- подключается к республиканской научно-образовательной информационной сети "ZiyoNET" в установленном порядке с обеспечением доступа к его ресурсам широких слоев населения;

- выявляет информационные потребности и удовлетворяет запросы, связанные с научными исследованиями, обучением, развитием малого и среднего бизнеса и т.д.;

- содействует профессиональной компетенции, повышению квалификации пользователей;

- создает специализированные базы данных по запросу пользователей;

- осуществляет накопление, систематизацию информации по предметам, разделам и темам;

- организует доступ к базам данных открытого доступа и на платной основе, просмотр электронных версий научно-образовательных изданий;

- осуществляет текущее информирование (дни информации, обзоры новых поступлений и публикаций);

- оказывает информационную поддержку информационно-ресурсным центрам региона;

- способствует проведению занятий по формированию информационной культуры.

3.4. Организует консультационные услуги и курсы обучения:

- организует курсы переподготовки библиотекарей в рамках своего региона по библиотечному менеджменту, маркетингу, применению новых информационных технологий и т.д.;

- оказывает консультационные услуги библиотекарям и пользователям в области создания и использования информационных ресурсов, электронных баз данных, навигации в Интернет по специальным программам;

- организует курсы обучения для пользователей по использованию информационных ресурсов, электронных баз данных, навигации в Интернет и т.д.

3.5. ИБЦ утверждает по согласованию с РИБЦ Правила пользования ИБЦ, устанавливает режим хранения и использования библиотечных фондов и других информационных ресурсов,

а также режим доступа к ним. Возрастной уровень пользователей определяется Правилами пользования ИБЦ.

3.6. ИБЦ гарантирует общедоступность своих фондов и полноту информации об их составе населению республики, гражданам других государств.

3.7. Пользование фондами ИБЦ в читальных залах, справочным аппаратом, а также консультационная помощь в поиске и выборе источников информации осуществляются бесплатно.

3.8. В целях обеспечения сохранности особо ценных и редких рукописей и изданий, а также в иных случаях, предусмотренных законодательством Республики Узбекистан, Правилами пользования ИБЦ, могут устанавливаться ограничения в пользовании фондами ИБЦ. Информация о наличии в ИБЦ документов ограниченного пользования является общедоступной.

4. Права и обязанности ИБЦ

ИБЦ имеет право:

4.1. Самостоятельно выбирать формы, средства и методы библиотечно-информационного обслуживания в соответствии с целями и задачами, указанными в Постановлении Президента Республик Узбекистан "Об организации информационно-библиотечного обеспечения населения республики" от 20 июня 2006 г. и в настоящем Положении.

4.2. Определять источники комплектования информационных ресурсов и иных документов.

4.3. Исключать документы из фондов в соответствии с инструкциями.

4.4. Предоставлять платные информационно-библиотечные услуги по утвержденным ИБЦ тарифам.

4.5. Участвовать в соответствии с законодательством Республики Узбекистан в работе библиотечных ассоциаций или союзов.

ИБЦ обязан:

4.6. Обеспечить пользователям любых категорий возможность работы с информационными ресурсами ИБЦ.

4.7. Информировать пользователей о видах предоставляемых ИБЦ услуг.

4.8. Регулярно формировать электронный каталог на базе международных коммуникативных MARC форматов.

4.9. Создавать полнотекстовые электронные базы данных с учетом потребностей пользователей и требований закона об авторских

правах.

4.10. Обеспечить организацию фондов и каталогов в соответствии с существующими нормативами.

4.11. Формировать фонды в соответствии с утвержденными перечнями изданий, интересами, потребностями и запросами всех категорий пользователей.

4.12. Совершенствовать информационно-библиографическое и библиотечное обслуживание пользователей.

4.13. Обеспечивать сохранность использования носителей информации, их систематизацию, размещение и хранение.

5. Управление, структура и штаты ИБЦ

5.1. Управление ИБЦ осуществляется в соответствии с законодательством Республики Узбекистан, настоящим Положением.

5.2. Руководителем ИБЦ является директор, назначаемый на должность и освобождаемый от должности директором РИБЦ по согласованию с руководством Узбекского агентства связи и информатизации.

5.3. Директор действует на основе законодательства Республики Узбекистан, настоящего Положения, осуществляет текущее руководство деятельностью ИБЦ и подотчетен Республиканскому информационно-библиотечному центру при Узбекском агентстве связи и информатизации.

5.4. Директор по вопросам, отнесенным к его компетенции, действует на основе единоначалия и выполняет следующие функции и обязанности по организации и обеспечению деятельности ИБЦ:

5.4.1. Представляет интересы ИБЦ, действуя от его имени без доверенности.

5.4.2. В пределах, установленных действующим законодательством и настоящим Положением, распоряжается имуществом ИБЦ, заключает договоры, выдает доверенности, издает приказы и дает указания, обязательные для исполнения всеми работниками ИБЦ.

5.4.3. Назначает по согласованию с РИБЦ своих заместителей, нанимает на должность, освобождает от должности работников, заключает с ними трудовые договоры, применяет меры поощрения или взыскания, определяет виды и размеры доплат, надбавок и других выплат стимулирующего характера в соответствии с действующим законодательством.

5.4.4. По согласованию с РИБЦ утверждает структуру, штатное расписание, положения о структурных подразделениях, должностные инструкции ИБЦ, Правила пользования ИБЦ, профиль комплектования фондов, представляет ему на утверждение смету ИБЦ.

5.4.5. Обеспечивает эффективное использование ресурсов ИБЦ для решения производственных и социальных задач, осуществляет в установленном порядке меры по поддержанию и развитию материально-технической базы ИБЦ, созданию необходимых условий для пользователей и работников.

5.4.6. Осуществляет иные полномочия, связанные с деятельностью ИБЦ.

5.5. Укомплектование информационно-библиотечных центров квалифицированными кадрами производится на конкурсной основе.

5.6. Кроме библиотечных кадров, ИБЦ комплектуется специалистами в области информационных технологий: администратор локальной сети и баз данных; оператор по формированию электронных информационных ресурсов, техник по обслуживанию средств вычислительной техники.

6. Имущество и финансы ИБЦ

6.1. Финансирование деятельности ИБЦ осуществляется за счет республиканского бюджета и других источников, предусмотренных законодательством Республики Узбекистан.

6.2. Здания, сооружения, библиотечные фонды, другое имущество ИБЦ находится в государственной собственности и в оперативном управлении ИБЦ и РИБЦ и не подлежат какому-либо отчуждению, приватизации и передаче в залог.

6.3. Земельный участок, занимаемый ИБЦ, закрепляется за ним на праве безвозмездного пользования на весь период его существования.

6.4. Разгосударствление и приватизация ИБЦ, включая помещения и здания, в которых он находится, не допускается.

6.5. ИБЦ вправе предоставлять платные библиотечно-информационные услуги, перечень которых определяется и утверждается дирекцией ИБЦ.

6.6. Спонсорская помощь, полученная ИБЦ в виде целевых средств на комплектование фонда и закупку оборудования, не влечет за собой снижения нормативов и абсолютных размеров

финансирования из бюджета.

6.7. Денежные средства за сданную ИБЦ макулатуру расходуются на улучшение материально-технической базы ИБЦ, подписку профессиональных изданий, комплектование фонда документов.

6.8. Контроль над использованием по назначению и сохранностью имущества, закрепленного за ИБЦ на праве оперативного управления, осуществляет РИБЦ в установленном законодательством порядке.

7. Реорганизация и ликвидация ИБЦ

7.1. Реорганизация и ликвидация ИБЦ (слияние, выделение, разделение, присоединение, преобразование) осуществляется в порядке, предусмотренном действующим законодательством.

7.2. При реорганизации ИБЦ все документы (управленческие, финансово-хозяйственные, по личному составу и другие), имущество и фонды передаются в законодательно определенном порядке.

7.3. При ликвидации ИБЦ его архивы передаются в государственный архив по месту нахождения ИБЦ в порядке, установленном действующим законодательством.

"Типовое положение об информационно-библиотечном центре" утверждено протоколом Межведомственного совета по координации деятельности информационно-библиотечной системы республики от 6 ноября 2006 г.

Таълим муассасасининг ахборот-ресурс маркази тўғрисида намунавий Низоми

1. Умумий қоидалар

1.1. Ахборот-ресурс маркази (кейинги ўринларда АРМ деб аталади) таълим муассасаси ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги 2006 йил 20 июндаги қарори асосида ташкил этилади.

1.2. АРМ таълим муассасаси раҳбариятига бўйсунди.

